*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАРКАЗИЙ БАНКИ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши 2-бетда).**

**47-модда. Фискаль агентнинг вазифалари**

Марказий банк Молия вазирлиги билан келишилган шартларда иш тутиб, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва давлат органларининг фискаль агенти сифатида:

Молия вазирлиги ва бошқа давлат органлари чиқарган қарз мажбуриятларини жойлаштириш, бу жойлаштиришларни рўйхатга олиш ва уларни топширишда агент ролини бажариш;

кўрсатиб ўтилган қимматли қоғозларнинг қийматини, улар бўйича фоизлар ва бошқа тўловларни тўлаш;

кўрсатиб ўтилган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобварақлари юритиш ва уларга доир тўлов операцияларини бажариш;

кўрсатиб ўтилган қимматли қоғозлар бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш борасида фаолият кўрсатиши мумкин.

Марказий банк Молия вазирлигига давлатнинг қимматли қоғозларини чиқариш ва давлат қарзини қайтариш жадвали ҳамда ҳажми масалалари юзасидан уларнинг банк тизими ликвидлилигига таъсири ва монетар сиёсатининг устивор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда маслаҳат беради.

**48-модда. Ҳукуматга кредит бериш**

Кредитлар ҳукуматга Олий Мажлис тасдиқлаган миқдорда, эркин муомалада бўладиган ва олти ойлик муддат ичида қиймати тўланадиган қарз мажбуриятлари кўринишида, тасдиқланган давлат қимматли қоғозлари гаровга қўйилиши шарти билан берилади. Бундай қимматли қоғозлар Молия вазирлиги томонидан чиқарилади, бозор ставкаси бўйича тўланадиган даромад манбаига эга бўлади ва Марказий банкка топширилади. Кредит муддатлари эркин муомаладаги қарз мажбуриятларини тўлаш муддатларига мувофиқ келиши лозим.

Кредит бериш ҳукумат ва Марказий банк ўртасида алоҳида кредит шартномаси тузиш билан расмийлаштирилади, унда кредитнинг миқдори, қайтарилиш муддатлари, тўланадиган фоизлар нормаси ва ссудани узиш тартиби келишиб олинади.

Марказий банк ҳукуматга обуна бўйича бадаллар учун ёки республиканинг у ёки бу халқаро ташкилотга аъзолигидан келиб чиқувчи бошқа тўловлар учун анча узоқ муддатли кредитлар беришга ҳақли.

Марказий банк ҳукуматга ушбу моддада назарда тутилганлардан ташқари ҳолларда молиявий ёрдам беришга ҳақли эмас.

**49-модда. Ҳукумат билан Марказий банк ўртасида ахборот алмашуви**

Ҳукумат билан Марказий банк иқтисодиётдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни назорат қилиш учун доимий равишда статистик ахборот алмашиб турадилар.

Ҳукумат, вазирликлар ва идоралар Марказий банкка у ўз вазифаларини бажариши учун зарур бўлган молиявий, иқтисодий ахборот ва ҳужжатларни тақдим этадилар.

## VIII. БАНКЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ. БАНКЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

**50-модда. Банклар фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солишга доир вазифалар**

Марказий банк банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб боради.

Марказий банк банкларни рўйхатга олади ва уларга банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар беради. Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензиялар бериш учун ҳақ олинади.

Марказий банк Банкларни давлат рўйхатига олиш дафтари юритади. Банклар рўйхатга олингани тўғрисидаги маълумотлар эълон қилиниши лозим.

**51-модда. Марказий банкнинг назорат вазифаларини бажаришга доир ваколатлари**

Марказий банк банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерлик ҳисоби ва банк статистик ҳисоботини юритиш, йиллик ҳисоботлар тузиш юзасидан банклар учун мажбурий бўлган қоидаларни белгилайди.

Марказий банк:

банкларнинг ҳисоботи ва бошқа ҳужжатларини олиш ҳамда текшириш, уларнинг фаолияти, шу жумладан операциялари тўғрисида ахборот сўраш ва олиш;

олинган ахборот юзасидан изоҳ талаб қилиш;

банклар, уларнинг филиаллари ва банк билан узвий боғланган юридик шахсларнинг фаолиятини текшириш ҳамда тартиббузарларга нисбатан санкциялар қўллаш;

банкларнинг ички аудити бўйича қўйиладиган талабларни белгилаш;

банк активларини уларнинг сифатига қараб таснифи қилиш ва активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар ўрнини қоплаш учун шунга монанд резервлар яратишни талаб қилиш;

ишончсиз активларни ҳисобдан чиқариш шартлари ва тартибини аниқлаш;

банкларга уларнинг фаолиятида аниқланган тартиб бузилишларни бартараф қилиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар юбориш;

банк акциядорлари банк акцияларининг йигирма фоизидан ортиғини сотиб олган тақдирда уларнинг молиявий аҳволи ва мавқеи тўғрисида ахборот сўраш ва олиш;

банклар ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерларига нисбатан малака талабларини қўйиш ҳуқуқига эга.

Текширишлар Марказий банкнинг ваколатли вакиллари ва Марказий банк белгилайдиган аудиторлар томонидан амалга оширилади.

Бир ёки ўзаро шартномалар билан боғланган бир неча шахслар, шунингдек шуъба ёки бирбирига қарам бўлган юридик шахслар гуруҳи банк акцияларининг йигирма фоизидан ортиғини сотиб олиши учун олдиндан Марказий банкнинг розилигини олиш талаб қилинади. Акция сотиб олувчиларнинг молиявий аҳволи қониқарсизлиги аниқланган тақдирда Марказий банк банк акцияларининг йигирма фоизидан ортиғи харид қилиниши ва сотилишига розилик бермаслик ҳуқуқига эга. Марказий банк илтимоснома олинган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай ариза берувчига ўз қарори тўғрисида ёзма равишда хабар беради.

Марказий банк аудиторлардан Марказий банкнинг норматив ҳужжатларига, шу жумладан тартиб ва услубиётларига риоя этишларини талаб қилишга, шунингдек улардан банк аудити билан боғлиқ ҳар қандай маълумотларни бевосита олишга ҳақли.

**52-модда. Иқтисодий нормативлар**

Марказий банк банклар учун мажбурий бўлган иқтисодий нормативларни, шу жумладан:

капиталнинг монандлик коэффициентини;

бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдорини;

йирик кредит таваккалчилик ва инвестицияларнинг энг кўп миқдорини;

ликвидлилик коэффициентларини;

активларни таснифлаш ва баҳолашга доир талабларни, шунингдек бундай таснифлар асосида банкнинг операция харажатлари жумласига киритиладиган чегирмалардан шубҳали ва ҳаракатсиз қарзларга қарши ташкил этиладиган заҳираларни шакллантиришни;

қарзларга доир фоизларни ҳисоблаб чиқариш ва уларни банк даромадлари ҳисобварағига киритишга доир талабларни;

очиқ валюта мавқеи лимитларини белгилайди.

Марказий банк иқтисодий нормативларнинг ўзгариши тўғрисида камида бир ой олдин эълон қилади.

**53-модда. Марказий банк қўллайдиган чоралар ва санкциялар**

Банклар ва уларнинг филиаллари иқтисодий нормативларни белгиловчи банкларга оид қонун ҳужжатларини бузган тақдирда, Марказий банк устав капиталининг энг кам миқдоридан 0,1 фоизгача жарима ундириш ёхуд айрим операцияларни ўтказишни олти ойгача бўлган муддатга чеклаб қўйиш ҳуқуқига эга.

Агар йўл қўйилган тартиб бузилишлар ёки банк ўтказаётган операциялар омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларига аниқ хавф туғдирган бўлса, Марказий банк:

банклардан устав капитали энг кам миқдорининг бир фоизидан ошмаган суммада жарима ундиришга;

банкдан банкни молиявий соғломлаштириш, шу жумладан активлар тузилмасини ўзгартириш, банк харажатларини камайтириш ва акциядорларга дивидендлар тўлашни тўхтатиш тадбирларини кўришни, банк ёки унинг филиали раҳбарларини алмаштиришни, банкни қайта ташкил этишни, филиални тугатишни талаб қилишга;

банк учун иқтисодий нормативларни олти ойлик муддатгача ўзгартиришга;

банкнинг айрим банк операцияларини амалга оширишини бир йилгача бўлган муддатга, шунингдек филиаллар очишни ҳам шунча муддатга тақиқлаб қўйишга;

банкни молиявий соғломлаштириш ёки Марказий банк кўрсатмаларини бажариш учун зарур бўлган даврда мансабдор шахслар ва акциядорлар эга бўлган барча ваколатларни васийга бериб, банкка васийлик қилиш тартибини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилишга;

банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни қайтариб олишга ҳақлидир.

Банк филиаллари тўловларни ўз вақтида ўтказмаган ва уларнинг вакиллик ҳисобварақлари қониқарсиз аҳволда бўлган ҳолларда Марказий банк банк филиали ушбу ҳаракат натижасига олган даромадини қатъий тартибда ундириб олади, шунингдек шундай миқдорда жарима солади.

**54-модда. Банк назоратининг хорижий органлари билан ҳамкорлик қилиш**

Марказий банк чет эл мамлакатларининг банк назорати органлари билан ҳамкорлик қилади ва ахборот айирбошлайди.

## IX. БАНКЛАР БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР

**55-модда. Жавобгарликни чеклаш**

Марказий банк ва банклар бир-бирларининг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас, улар шундай жавобгарликни ўз зиммасига ўзлари олган ҳоллар бундан мустасно.

**56-модда. Банкларнинг Марказий банкдаги ҳисобварақлари**

Марказий банкга банкларнинг ҳисобварақларини юритиш ва депозитларини қабул қилишга рухсат этилади.

**57-модда. Клиринг ва ҳисоб-китобларни ташкил этиш**

Марказий банк банкларга банклараро тўловларга ҳисоб-китоб-клиринг хизматини, шу жумладан чеклар ва бошқа тўлов ҳужжатлари орқали ҳақ тўлашни ташкил этишда ёрдам кўрсатиш, шундай операцияларни ўтказиш тартибини ўз ихтиёрига кўра белгилаш ва тегишли кўрсатмалар беришга ҳақлидир.

**58-модда. Банк ахборот тармоғи ва статистик ахборот йиғиш**

Марказий банк банк тизими эҳтиёжлари учун ахборот тармоғини яратади ва сақлаб туради.

Марказий банк статистик ахборотни тегишли органлардан ёки бевосита иқтисодий фаолият юритувчи субъектлардан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олади.

Марказий банк статистик ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва тарқатиш қоидалари ҳамда амалиётини тегишли ташкилотлар билан келишиб олишда ўз ваколатлари доирасида қатнашади.

**59-модда. Марказий банкнинг имтиёзли ҳуқуқи**

Марказий банкка қарздорнинг ҳисобварақларидаги қолдиқлари ҳамда унинг Марказий банкдаги бошқа активлари ҳисобидан ўзининг барча талабларини қондиришдан иборат қатъий имтиёзли ҳуқуқ берилган, мажбурий резервлар сифатида Марказий банк депозитида турган банклар маблағи бу активларга кирмайди.

Марказий банк ўзининг имтиёзли ҳуқуқини ҳисобварақлардаги қолдиқларни ушлаб қолиш ёки бошқа активларни мақбул нархларда сотиш ва тушумдан сотиш харажатларини чегириб ташлагандан кейин ўзига тегишли бўлган миқдордаги тўловни ушлаб қолиш орқали амалга ошириши мумкин.

**60-модда. Марказий банкнинг қарорлари устидан шикоят қилиш**

Марказий банкнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 21 декабрь.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ*
*ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ*

## «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАРКАЗИЙ БАНКИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонун эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикаси қонунларини «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳолга келтириш юзасидан Олий Мажлисга таклифлар киритсин;

Ҳукуматнинг қарорларини мазкур Қонунга мувофиқ ҳолга келтирсин.

3. Марказий банк ўзининг норматив ҳужжатлари, шунингдек тижорат банкларининг уставлари «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

4. Белгилаб қўйилсинки, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонун қабул қилингунига қадар 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга зид бўлмаган қисми амал қилаверади.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг 1992 йил 6 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат банкининг Низомини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил № 7, 280-модда), Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг 1992 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Уставини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 2, 112-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 21 декабрь.

---



***Мингбулоқ нефтни қайта ишлаш бошқармаси ишчи-хизматчилар учун қулай меҳнат ва дам олиш шароитлари яратишни эътибордан четда қолдирмаяпти. Айниқса, бошқарма ошхонасида тайёрланаётган овқатлар сифатлилиги билан бирга жамоа аъзоларига 50 фоизга арзонлаштириб қўйилган. Бу, албатта, жамоа аҳлини мамнун этаётир.***

***СУРАТЛАРДА:** ўз ишининг устаси, ошпаз Ғафуржон Исабоев; бошқарма биносининг умумий кўриниши.*

**Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

---


**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ПАХТАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ БЎШ ЖОЙЛАРГА**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

*1. Ғўза селекцияси лабораторияси мудири.*
*2. Ғўза уруғшунослиги лабораторияси мудири.*
*3. Тупроққа ишлов бериш ва жадаллаштирилган технология бўлими мудири.*

*Танлов муддати: эълон чиққандан 10 кунгача.*

*Манзилимиз: 702133, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ алоқа бўлими, ЎзПИТИ.*


---


*Диққат янгиликлар!*

**Ўзбекистон Республикаси Халқ банки эркин муомаладаги валютада янги омонат турларини таклиф этади.**

*Валюта омонатлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан, шунингдек Ўзбекистон ҳудудида доимий равишда истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари, ҳамда фуқаролик ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан ҳам очилиши мумкин.*

**"Талаб қилиб олинадиган" омонатларга йилига 2 фоиз, муддати камида 1 йил бўлган "муддатли" омонатларга эса 4 фоиз миқдорида эркин муомаладаги валютада даромад тўланади.**

**"Талаб қилиб олинадиган" омонатга камида 200 АҚШ долларига, "муддатли" омонат очишингиз учун эса 500 АҚШ долларига тенг миқдорда эркин муомаладаги валюта қўйилса ёки нақд пулсиз ўтказилса кифоя.**

***Тўлиқ маълумотларни Халқ банкининг исталган муассасасидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:***

*45-35-41, 33-51-95.*

**Халқ банки Сизнинг хизматингизда.**

**Ўзбекистон Республикаси Халқ банки.**


---


**"KELAR"**

***фирмаси Тошкентдаги омбордан қуйидаги товарларни сотади:***

*Телефон аппаратлари (VEF, Рига)*
*Радиотелефонлар ва телефакслар (Panasonic)*
*Шахсий компьютерлар IBM 486DX*
*Аккумуляторлар 60СТ*
*Оқ қанд (рафинад)*
*Богемия шишасидан ясалган идишчалар.*

**Бизнинг манзил:**

***Тошкент, Академиклар шаҳарчаси, Ф. Хўжаев кўчаси, 33.***

**Тел.:**
**62-74-86, 62-90-30, 62-90-67.**


---


**ТАШКИЛОТ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:**

*1.* Офис учун мебеллар:
***кабинет гарнитурлари;***
***1-2 тумбали столлар;***
***қабулхона столлари.***
*2. 6СТ-90* аккумуляторлар.
*3. 486 DX2-80* компьютерлар.
*Улар 1050 +* принтерга эга бўлиб, *"WINDOWS-95"* дастури билан таъминланган.
*4. "Canon"-300, 330, NP-1215* ксерокслари.
*5.* Телефон аппаратлари.
*6. "Citizen"* калкуляторлар.
*7.* Биллур махсулотлари ***(қандиллар ва вазалар).***
*8. 4-5 мм.лик* пахта тўкиш симлари.
*9.* Пахта учун бандажлар.
*10.* Кенг турдаги канцелярия маҳсулотлари.
*11.* Эронда ишлаб чиқарилган одеяллар.

**Мурожаат учун телефонлар:**
**72-98-17, 79-47-74.**

**Манзилимиз:**
***Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 100,***
*Собир Раҳимов метросидан чиқилганда, 12 қаватли бинонинг, 9-қавати.*


---


# Ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат "Пахта-Банки"

***1995 йил иш якунлари бўйича акциядорларнинг умумий мажлисини ўтказади.***

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-Банки»нинг 1995 йил иш якунлари ва банк фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Олий Мажлис IV сессиясидаги маърузасидан келиб чиқувчи 1996 йилги асосий йўналишлари тўғрисида.
2. Банкнинг 1995 йил даромадлари баланси ва ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Банк Низомига киритилган айрим ўзгартиришлар тўғрисида.
5. "Пахта-Банки" бошқарувининг банк филиалларини ташкил қилиш ҳақидаги қарорини тасдиқлаш.
6. Банк кенгаши таркиби тўғрисида.

*Акциядорларнинг умумий мажлиси 1996 йил 2 март куни соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Кинематографлар уйида ўтказилади. Анжуман қатнашчилари Тошкент шаҳрига 1996 йил 1 март куни келадилар ва "Ўзбекистон" меҳмонхонасига жойлашадилар.*

*Қатнашчилар 1996 йил 2 март куни соат 8.30 дан 9.45 гача Кинематографлар уйида рўйхатга олинадилар.*

**Қўшимча маълумот олиш учун телефон рақамлари:**
**78-10-94, 78-02-22, 78-29-44.**

*ҚАДРЛИ ТАЪСИСЧИ ВА АКЦИЯДОРЛАР!*

*Анжуманни тайёрлаш ва ўтказишда сиз фаол иштирок этасиз деган умиддамиз.*

**Йиғилиш кун тартиби ҳақида, "Пахта-Банк" муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ва бошқа масалалар бўйича аниқ таклиф ва мулоҳазаларингизни сўраймиз:**

***700096, Тошкент, Муқимий кўчаси, 43-уй, "Пахта-Банк".***

***"Пахта-Банк" бошқаруви.***


---

М. Қориёқубов номли Ўзбек давлат филармонияси жамоаси собиқ раққоса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист **Ҳалима РАҲИМОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎзПИТИ жамоаси тупроқ эрозиясига қарши кураш ва агроэкология бўлими мудири, қ.х.ф.д. Шермат Нурматовга онаси **Хосиятбиби ТУРДИМАТОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзмевасабзавотузумсаноат» республика уюшмаси раҳбарияти ва жамоаси техника бошқармасининг собиқ бошлиғи, уруш қатнашчиси **Бори БОБОХОНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

